



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 3 декабрь, № 258 (8601)


Яқшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — БАА МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Дубай шаҳрига ташрифи давомида 2 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Амирликлар томонидан Вице-президент Шайх Мансур Ол Наҳаён, Бош вазир ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх Сайф Ол Наҳаён, энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, саноат ва илгор технологиялар вазири, “COP28” саммити президенти Султон Аҳмад ал-Жобир ҳам қатнашди.

Суҳбат аввалида Президентимиз Амирликлар етакчиси ва дўст халқини Миллий байрами билан самимий табриклар ҳамда иқлим ўзгариши бўйича глобал саммит муваффақиятли ташкил этилгани билан қутлади.

Икки томонлама муносабатларнинг

долзарб масалалари қўриб чиқилди. Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 30 фоизга ошди, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпаймоқда. Икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Фаол мулоқотни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш муҳим экани таъкидланди.

Амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва уни кенг қўламли стратегик шериклик даражасига олиб чиқилган мамлакатлар билдирилди.

Ўзбекистон Президенти ташрифнинг

ишбилармонлик тадбирлари доирасида Бирлашган Араб Амирликлари инвестиция вазири, “ADQ” холдинги бош ижрочи директори Муҳаммад Хасан ал-Сувайдий бошчилигидаги делегацияни, “Amea Power” компанияси раиси Хусайн Ал-Новайси, “SWS” компанияси бош ижрочи директори Аҳмад Ал-Шамсийни, “Air Products” компанияси бошқарувчи раиси Сейфи Гасемини, “Tadweer” компанияси бош ижрочи ва бошқарувчи директори Али ал-Дахерийни қабул қилди.

Бирлашган Араб Амирликлари инвестиция вазири, “ADQ” холдинги бош ижрочи директори Муҳаммад Хасан ал-Сувайдий бошчилигидаги делегация билан учрашувда “TAQA” компанияси раҳбари Жасим Хусайн Табет ва “Masdar” компанияси раҳбари Муҳаммад Жамил ал-Рамахий ҳам қатнашди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш масалалари қўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида шериклик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Энергетика секторидagi ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ташриф доирасида бу йўналишда “Masdar” компанияси билан Стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари “Masdar” бош ижрочи директори Муҳаммад Жамил ал-Рамахийга кўп қиррали Ўзбекистон — БАА муносабатлари ривожига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

“Amea Power” компанияси раиси

Хусайн Ал-Новайс билан учрашувда мамлакатимизда, энг аввало, “яшил” энергетика ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари қўриб чиқилди.

Компаниянинг Ўзбекистонда фаолият юритиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

“SWS” компанияси бош ижрочи директори Аҳмад Ал-Шамсий билан учрашувда компаниянинг Ўзбекистон ҳудудларида сув таъминоти ва сувни тозалаш йўналишларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш, бунда халқаро шерикларни, шу жумладан, Франциянинг “SUEZ” ва Япониянинг “Marubeni” компанияларини жалб қилиш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Air Products” компанияси бошқаруви раиси Сейфи Гасемини билан учрашувда ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарига жорий лойиҳаларнинг бориши ва янгиликларига таъкид қилинди.

“Tadweer” компанияси бош ижрочи ва бошқарувчи директори Али ал-Дахерий билан учрашувда амирликлар компаниясининг Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, бунда илгор технологик ечимларни жорий қилиш режалари қўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «COP28»ДАГИ ИШТИРОКИ ИҚЛИМ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР ЮЗАСИДАН МАМЛАКАТНИНГ ГЛОБАЛ МУЛОҚОТДАГИ МУҲИМ ЎРНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

Хорижий экспертлар давлатимиз раҳбарининг Дубайда бўлиб ўтган «яшил» саммитдаги иштироки ҳақида.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрди ва Дубай шаҳрида ўтказилган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (“COP28”) асосий ялпи сессияси ишида қатнашди.

Тадбирда дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида ҳозирги даврда иқлим муаммолари жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурганини таъкидлади. У иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари замонамизнинг энг аянчли экологик инқирозларидан бири — Орол фожиаси туфайли Марказий Осиё ва унга ёндаш минтақаларда, айниқса, жиддий сезилаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши самарали курашиш, бу борадаги саяёҳатлар ва халқаро ҳамкорликни бирлаштиришга қаратилган қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг глобал саммитдаги иштироки ва нутқи хорижий таҳлил ҳамда эксперт доиралари вакилларининг юқори қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Дунё нигоҳи

Ҳамид ПУРАН, Иқлим технологиялари бўйича маслаҳатчи (Буюк Британия):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Дубайда бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги иштироки иқлим ўзгариши муаммоси долзарблигини, айниқса, Марказий Осиё минтақалари дуч келаётган оқибатлар нуктаи назаридан чуқур англаши билан ажралиб турди.

Унинг нутқида мамлакатнинг экологик муаммоларга янада масъулият билан ёндашишга жиддий интилиши ўз ифодасини топган.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз мамлакатини ва минтақасини учун иқлим ўзгаришининг муҳим факт

ҳамда оқибатлари: ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, ўта иссиқ кунлар сонининг кўпайиши, музликларнинг эриши, тупроқ деградацияси, чанг бўронлари ва бошқа салбий оқибатларга тўхталиб ўтди.

Унинг муқобил энергия, “яшил” водород улуши, ўта иссиқ кунлар сонининг кўпайиши, музликларнинг эриши, тупроқ деградацияси, чанг бўронлари ва бошқа салбий оқибатларга тўхталиб ўтди.

Унинг муқобил энергия, “яшил” водород улуши, ўта иссиқ кунлар сонининг кўпайиши, музликларнинг эриши, тупроқ деградацияси, чанг бўронлари ва бошқа салбий оқибатларга тўхталиб ўтди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг нутқи нафақат муаммодан хабардорликни, балки глобал ҳамкорлик ва иқлим ўзгаришига қарши курашининг инновацион ечимларини ишлаб чиқишга қаратилган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёндашуви ҳам акс эттиради.

Вита КОБИЭЛА, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё муносабатлари бўйича мустақил таҳлилчи (Бельгия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Дубайда бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳақли конвенцияси иштирокчиларининг 28-конференциясида қатнашиши иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича глобал саяёҳатлар шароитида мамлакат учун муҳим қадам бўлди. Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги роли ортиб бораётгани ва халқаро мажбуриятларни, хусусан, Париж келишувини бажаришга содиқлигини таъкидлайди.

1993 йилда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳақли конвенциясига қўшилган ва 1999 йилда Киото протоколини ратификация қилган Ўзбекистон экология ҳамда барқарор ривожланиш соҳасида изчил сиёсат юритаётганини намойён этмоқда. Мамлакатда “иссиқхона газлари” чиқиндиларини камайтириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда, буни қабул қилинган қатор стратегия ва дастурлар тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши муаммолари, унинг Марказий Осиё учун оқибатлари, жумладан, Орол денгизининг қуриши атрофидаги вазиятнинг ёмонлашишига алоҳида эътибор қаратаётгани экологик муаммоларнинг трансчегаравий моҳиятини чуқур англаганидан далolat беради. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тақдир этилган иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унинг оқибатларига мослашиш бўйича минтақани бирлаштириш ташаббуслари Ўзбекистоннинг ушбу соҳада минтақавий етакчилиikka интилишини акс эттиради.



СТРАТЕГИЯ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАШИ ЙЎЛИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Мамлакатимизнинг келгуси етти йиллик тараққиётини, ривожланиш йўналишларини ва самарадорлик кўрсаткичларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон — 2030” стратегияси давлатимиз равнақи, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Унда ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлишига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган.

Нуктаи назар

Хусусан, стратегияда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича белгиланган қатор вазифалар, ташаббуслар мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришга хизмат қилади. Масалан, ҳужжатнинг 45-бандида белгиланган мақсадга қўра, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш кўзда тутилган. Бунда келгуси етти йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромадларини эса 4 минг долларга етказиш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, экспорт ҳажмини 2 баробар кўпайтириб, 45 миллиард долларга етказиш, экспорт таркибига тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш

каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу каби мақсад-вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлатимиз ривожига, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз, албатта.

Ўзбекистон 193 мамлакат қаторида БМТнинг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йилнинг 21 февралда эса “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да”ги қарорлари қабул қилинди. Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда мамлакат эҳтиёжларини ўзaro мослаштириш борасидаги жиддий интилишларнинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда Ўзбекистоннинг 2017 — 2021 йиллар учун Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган дастури”ни амалга оширишда ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармоқда. Ушбу “кун тартиби”ни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2018 йилнинг 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да”ги қарорлари қабул қилинди. Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда мамлакат эҳтиёжларини ўзaro мослаштириш борасидаги жиддий интилишларнинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда Ўзбекистоннинг 2017 — 2021 йиллар учун Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган дастури”ни амалга оширишда ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармоқда. Ушбу “кун тартиби”ни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2018 йилнинг 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

2

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «СОР28»ДАГИ ИШТИРОКИ ИҚЛИМ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР ЮЗАСИДАН МАМЛАКАТНИНГ ГЛОБАЛ МУЛОҚОТДАГИ МУҲИМ ЎРНИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ

«СОР28»да қатнашиш Ўзбекистонга нафақат ўз таъриби ва ютуқлари билан ўртоқлашиш имкониятини беради, балки халқаро ҳамжамият билан билим ва илгор таърибга алоқаси учун платформа ҳам яратди. Бу, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экологик барқарор лойиҳаларга сармояларни жалб қилишга ёрдам беради.

Футами МАСАЁШИ,
Япония Экологик ҳамкорлик маркази лойиҳа департаменти директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иқлим ўзгариши бўйича Бутунжаҳон саммитида иштирок этиш учун БААга таърифи ўз вақтида бўлиб, минтақанинг экологик муаммоларига халқаро ҳамжамият эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хозирги кунда Ўзбекистон, умуман, бутун Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига дуч келаётди. Улар келтириб чиқараётган ижтимоий ва экологик муаммоларнинг оғир оқибатларини ҳам тўла ҳис қилаётгани барчага маълум. Хусусан, Орол денгизининг қуриши минтақадаги энг катта экологик муаммодир.

Шу боис 2022 йил октябрь ойида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида углерод нейтраллигига эришиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини рағбатлантириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, республикада чўлланшиш ва ерларнинг деградациясига қарши курашиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш лойиҳалари бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган «Қўшма кредитлаш механизми» (JCM) бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбариятининг экологик муаммоларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Япония ҳукумати томонидан «JCM» доирасида «яшил» лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этаётган асосий ташкилот сифати-

да Япония Экологик ҳамкорлик маркази республика иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонга карбонсизланиш жараёнига япон технологиялари ва инсон ресурсларини жалб қилишга тайёр.

Нажиб ВОХРА,
Ўзбекистоннинг Лаҳор шаҳридаги фахрий консули, «Najeeb Fibers» экспорт-импорт компанияси асосчиси (Покистон):

— Сайёрамизнинг глобал иқлим шароитидаги ўзгаришлар Покистонга биринчилардан бўлиб таъсир кўрсатди. 2022 йилда мамлакатда ҳалокатли «муссон» ёмғирларига гувоҳ бўлдик. Бу 2000 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 3 миллиондан ортиқ кишилар жараҳат олди ва иқтисодиётга катта зарар етказди, мамлакат ҳали тўлиқ тикланмаган.

Шунинг учун ҳам биз дунё етакчиларининг БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги чиқишларини диққат билан қўзғатиб бордик.

Покистон эксперт ва академик доиралари, олимлари, иқлим мутахассислари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иқлим бўйича конференциядаги нутқи чоғида билдирган ташаббусларини катта қизиқиш билан қабул қилди.

Биз Ўзбекистон раҳбарининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш дунёнинг барча мамлакатлари учун устувор стратегик вазифа эканлиги ҳақидаги гоёсини қўллаб-қувватлаймиз.

Покистон Ўзбекистон раҳбариятининг иқлим ўзгаришига қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Хусусан, Покистон ташқи ишлар вазири Аббос Жиланий шу йил 24 январда бўлиб ўтган ИХТ аъзо давлатлар ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг йилги ишлари Ўзбекистон Президентининг экологик соҳасида ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги коммуникация платформасини жорий этиш бўйича ташаббусини юқори баҳолади.

Ўзбекистонда 1 миллиард туپ даракт кўчати экишни назарда тутувчи «Яшил макон» умум-миллий ҳаракати ҳам ифлосланишни камайитириш, биологик хилмаҳиллини сақлашнинг ёрқин намунаси. Биз бошқа давлатларни Ўзбекистон таърибидан фойдаланишга чақирамиз.

Шунингдек, биз Ўзбекистон Президентининг Париж келишуви доирасида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича глобал асосни қабул қилиш ташаббусига қўшилишимиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, глобал миқёсда паст углеродли иқтисодиётга ўтиш даврида ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиш зарур.

CO2 ва «иссиқхона газлари»ни чиқарадиган асосий давлатлар жаҳоннинг йирик иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар экани боис Президент Шавкат Мирзиёев ушбу долзарб муаммони «Катта еттилик ва йигирмалик» саммитлари доирасида доимий равишда кўриб чиқишни таъкид қилди.

Покистон «Яшил университет» негизида ташқи этилаётган Иқлим илмий форуми доирасида яқин илмий алмашинуви йўлга қўйиш ва қўшма тадқиқотлар ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Правес Кумар ГУПТА,
«Vivekananda Foundation» тахлилий маркази катта илмий ходими (Ҳиндистон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев йирик халқаро тадбирларда глобал аҳамиятга молик муҳим ташаббусларни изчил илгари сурмоқда. Дубайда давом этаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг асосий ялпи мажлисида ҳам худди шундай бўлди.

Ўзбекистон раҳбари ўз маърузаларида нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё учун бирдек муҳим бўлган долзарб масалаларни илгари сураётгани эътиборлидир.

Ўзбекистон Президенти анжуман кун тартибидан келиб чиқиб, бугунги кунда иқлим ўзгариши барқарор ривожланиш йўлидаги энг йирик муаммага айланганини алоҳида таъкидлади. Бу, айниқса, қуриб қолган Орол денгизи фоҳиаси шароитида Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудларда яққол сезилаётганига жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир бор қаратди.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларини чукор англаш бутун инсоният даражасида бўлиши керак. Ҳеч ким бу муаммолардан ёлғиз қочиб қутула олмайдми ёки уларни мустақил ҳал қила олмайдми.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев нутқи ва янги халқаро ташаббусларнинг мазмун-моҳияти иқлим ўзгаришига қарши кураш атрафида жаҳон ҳамжамиятини амалий жиҳатдан бирлаштириш, БМТ шафелигида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш, бу йўналишда амалий натижаларга эришишга қаратилгани билан ҳам қадрлидир.

Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференция доирасидаги учрашувини ҳам катта қизиқиш билан кутиб олдик.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро юксак ҳурмат, ишонч ва мустаҳкам дўстлик туйғуси замонавий икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ишончимиз комилки, Нарендра Моди ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги самарали музокаралар натижалари турли йўналишлар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт ва фармацевтика, фан ҳамда тарлиқ, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб беради.

Урс ШВАРЦ,
Сингапурнинг «S.E.A. Business Centre Pte. Ltd.» компанияси директори:

— Биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳақли конвенцияси қатнашчиларининг 28-конференцияси доирасидаги Иқлим ўзгаришлари қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммитидаги иштирокидан хурсанд бўлдик.

Глобал иқлим ўзгаришининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш ва Париж келишувидан кейинги тараққиётни баҳолаш, бу муҳим воқеа жаҳон етакчилари учун асосий платформа ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу анжуманда иштироки нафақат Ўзбекистоннинг экологик барқарорлигини таъминлашга содиқлигини таъкидлайди, балки мамлакатнинг иқлим бўйича ҳаракатлар юзасидан глобал мулоқотдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг экология, кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўйича сиёсатини қайта кўриб чиқишдаги фаол ёндашуви, шунингдек, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган «иссиқхона газлари» чиқиндиларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга камайитириш каби улкан мақсадлар бунга мисолдир. Мамлакатнинг Орол денгизи инқирозини бартароф этиш, биохилмаҳиллини сақлаш ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё минтақаси ва ШХТ, ИХТ, Туркий давлатлар ташкилоти каби халқаро платформалардаги ташаббуслари минтақавий ҳамда глобал экологик ҳамкорликка қатъий интилишидан далолат беради. Унинг иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш ва атраф-муҳит муаммоларини бўйича платформалар яратиш тақлими тўғри йўналишдаги қадамлардир.

Ишончим комилки, давлатингиз раҳбарининг «СОР28»да иштироки нафақат Ўзбекистоннинг глобал иқлим муҳоамасидаги ролини оширади, балки барқарор ривожланиш йўлидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ҳам илҳомлантиради. Ташриф, шунингдек, мамлакатнинг БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳақли конвенцияси, Киото протоколи ва Париж келишуви мақсадларига эришиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажаришини яна бир бор тасдиқлайди.

«Дунё» АА.

СТРАТЕГИЯ – ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАШИ ЙЎЛИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Маҳалла миллий модели самараси

Хозирги вақтда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга бошқича-бошқич ўтишининг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий асослари шакллантирилган. Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартитиш, манзилли ижтимоий ҳўма масалаларини бевосита маҳаллаларда кўриб чиқишни назарда тутувчи миллий модель амалга оширилмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги тубдан фарқ қилувчи маъмурий асосида қатор институционал ислохотлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ислохот қилинмоқда. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг барча соҳасида аҳоли ва фуқаролик жамиятининг кенг иштироки таъминланмоқда. «Очик бюджет» тизими ишлаб чиқиши ҳамда «Маҳалла бюджети» тизими амалиётга жорий қилиниши натижасида аҳоли бюджет маблағларини аниқ талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда бевосита қатнашиши, ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши таъминланган.

Бугун бир нарсани ишонч билан айта оламизки, ўтган даврда Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Жамиятимиз ҳаёти, одамларимиз турмуши тубдан ўзгарди. Энг муҳими, ҳар бир юртдошимиз бу янгиликларнинг ўз ҳаётига ҳис этмоқда. Ўзбекистонимиз, чин маънода, янги Ўзбекистонга айланмоқда.

Бунинг тасдиғи сифатида бир мисолни келтириш ўринли бўлади. Бундан олти-етти йил олдин, асосан, пахта, олтин, мис ва газ хомашёсини сотиб, даромад кўрган мамлакатимиз қисқа муддатда минтақамизда иқтисодиётни диверсификация қилинган, тайёр маҳсулотлар экспорти жадал ўсиб бораётган давлатга айланди. Энг асосийси, одамларимизда, тадбиркорларимизда кўрков, умидсизлик ҳисси йўқолиб, ўзи ҳамда оиласи, фарзандларининг хозирги ва эртанги кунига мустаҳкам ишонч пайдо бўлди. Албатта, бу ишларни удалаш осон бўлмади, аммо ҳар қандай қийинчиликка қарамастан, биз бунга эришдик. Ислохотларга ортага қайтмайдиган, муқаррар тус бериш ва уларни ҳуқуқий қасдалаш мақсадида янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинди. Унга киритилган нормалар биз интилаётган учинчи Ренессанснинг ҳуқуқий пойдевори вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси йилга 2 фоиз ўсмоқда. Прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб 40 миллионли мамлакат бўламиз. Бундай катта давлатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқимизга муносиб шароит яратиш учун иқтисодиёт ҳам, бошқарув ҳам, таълим ва тиббиёт ҳам янгилаш бўлиши, барча соҳада ўсиш, ривожланиш кузатилиши керак. Давлатимиз



раҳбари Фармони билан қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ана шу мақсадга йўл очади.

Ислохотларнинг ҳақиқий драйвери

Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўз натижаларини берапти. Масалан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ислохотлар натижасида хорижий инвестициялар ҳажми 3 қарра кўпайиб, ўтган йилнинг ўзида 10 миллиард доллардан ошди. Ҳар маҳаллада бир неча қорхона фаолият юритмоқда, барча туманда экспорт қилувчи тадбиркорлар пайдо бўлди, миллионлаб янги иш ўринлари яратилди. Қисқача айтганда, тадбиркорлар синфи шаклланиб, жамиятимизда ҳақиқий кунга, ислохотлар драйверига айланди. Натижада кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми 52 миллиард доллардан 80 миллиард долларга етди. Аҳолининг харид қўбиллияти ва ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 2 баробар ошди, бугунги кунда 360 долларни ташкил этмоқда.

Энди мавжуд саҳоятимизга таяниб, янада юқори марралар белгиланмоқда. Стратегияга биноан, 2030 йилга бориб иқтисодиётимизни 2 баробар ошириб, ялпи ички маҳсулот ҳажминини 160 миллиард долларга етказиш, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда хозирги 2 минг 200 доллардан 4 минг долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу кўрсаткич мамлакатимизнинг «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига киришига имкон беради.

Бу мақсадларга етишиш учун, аввало, илгор технологияларга асосланган сановатни ривожлантириш талаб этилади. Бунда меҳнат унумдорлиги икки баробар ошади. Шу мақсадда хорижий ҳамкорлар билан бирга умумий қиймати 115 миллиард доллар бўлган йирик лойиҳалар амалга оширилган. Яқин йилларда қатор стратегик мегаойиҳалар ишга туширилади. Хусусан, Олмалик 3 та мис бойитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводи, Оҳангарон мисни қайта ишлаш кластери, Навоий, Кўнғирот ва Қорақўлда йирик кимё-полимер кластерлари, Тوشкент ва Навоий вилоятларида фосфорит хомашёсидан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қорхонаси, Тебинбулок ва Галлаоролда темир ишлаб чиқариш мажмуалари ўз фаолиятини бошлади. Натижада

2030 йилгача юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар, олтин — 1,5 марта, қумуш ва уран 3 қарра оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида илк бор алюминий, литий, пўлат, графит ишлаб чиқариш бошланади. Бу хомашёлардан автомобиль, электроника, «яшил» энергия қурилмалари, кимё ва полимер каби юзлаб янги маҳсулотларни ишлаб чиқарса бўлади. Бу — 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўрни, дегани.

Президентимиз сайловолди дастурида қайд этганидек, 4 та нуфузли хорижий компаниянинг лойиҳалари ишга туширилиб, автомобилсозлик соҳасида ҳақиқий рақобат пайдо бўлади ва ишлаб чиқариш йиллик ҳажми хозирги 350 мингдан 1 миллион донага етказилади. Жумладан, йилга 300 мингта электромобиль ишлаб чиқарилади. Умуман, сановатда қўшилган қиймат ҳажми 20 миллиард доллардан 45 миллиард долларга етказилади.

Иқтисодиётнинг келажаги, бу — экспорт

Кези келганда айтмоқчимизки, сановат ва иқтисодиётнинг келажаги, бу — экспорт. Кейинги йилларда чарм-пойабзал, тўқимачилик, озик-овқат, электротехника, фармацевтика йўналишларида минглаб янги қорхоналар очилди. Натижада экспорт ҳажми 1,5 баробар кўпайиб, 19 миллиард доллардан ошди. Ташқи бозорларга чиқиш ҳаракатлари юқори эканини инобатга олиб, стратегияда илмга асосланган, юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотларни кўпайитириш мўлжалланган.

Тайёр маҳсулот билан ташқи бозорларга чиқиш учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатидаги устувор мақсадлардан. Аммо бунинг учун, аввало, қорхоналаримиз очик ва кучли рақобатга тайёр бўлиши керак. Бунинг чоралари ҳам кўрилади, албатта. Юқори қўшилган қийматли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Сановатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади ва унга 1 миллиард доллар ажратилади.

Шунингдек, келгуси йилларда 50 та нуфузли хорижий бренд билан маҳсулоти экспорт зоналари ташкил қилиш кўзда тутилган. Тадбиркорларга «тайёр бизнес» шаклида биро бериш мақсадида сановат ипотекаси тизими тўлиқ йўлга қўйилади. Ҳар бир туманда камидан мингта иш ўрни яратадиган 2 тадан янги сановат зоналари ташкил этилади. IT хизматлари экспорти 5 миллиард долларга олиб чиқилади. Натижада 2030 йилга қадар жами экспорт ҳажми 2 баробар оширилиб, 45 миллиард долларга етказилади.

Бутун дунёда жадал ривожланаётган «яшил» иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Бу

борада Ўзбекистонда ҳам инвестицияларни жалб этишга, янги қувватларни барпо қилишга зўр бериляпти, десак, англишмаган бўламиз. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари 25 минг мегаваттга, уларнинг улушини хозирги 14 фоиздан 40 фоизга етказиш мақсад қилинган. Фикримизнинг яққол далили. 2024 йилдан бошлаб сановатда «яшил сертификат»лар бозори яратилади. Автобуслар тўлиқ экологик тоза электр ёки газ ёнилғисига ўтказилади. Барча янги уйлар ва асбоб-ускуналарга энергияни тежаш бўйича талаблар жорий этилади. Иқтисодиётда энергия самардорлиги 2 қарра оширилади. Натижада 2030 йилга бориб 50 миллиард киловатт-соат «яшил» энергия ишлаб чиқарилади. Янги станциялар ишга туширилиши билан 10 минг километр магистраль ва

порт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳалар давлат тасарруфига қолади. Бу борада 2030 йилга қадар иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш асосий мақсад бўлади.

Аграр соҳага 15 миллиард доллар инвестиция жалб этилади

Маълумки, кейинги йилларда кишлоқ ҳўжалиги асосий драйвер соҳалардан бирига айланади. Кластер тизимини жорий этиш натижасида пахта, галла ҳосилдорлиги 25 — 30 фоиз, мева-сабзавот экспорти эса 2 баробар ошди, соҳага 5 миллиард доллардан ортиқ ҳў-

25 фоизга ошириш, агротармоқда 2,5 миллион тонна қувватга эга 100 та янги логистика марказини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Натижада соҳада экспорт ҳажминини йилга хозирги 1,6 миллиард доллардан 10 миллиард долларга етказиш имконияти пайдо бўлади. Умуман, аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестициялар жалб этиш режалаштириляпти.

Бу ислохотлар ва стратегиядан қўзланган мақсад, аввало, халқимизни рози қилиш, «халқ хизматидаги давлат»ни барпо этиш. Бу вазифа янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан биридир. Янги Ўзбекистон, бу — ҳуқуқий давлат. Ушбу қоида янгиланган Конституцияимизда ҳам муҳрлаб қўйилди. Шундай экан, қонун устуворлиги, суд мустақиллиги ва одиллигини ошириш устувор вазифа, деб белгиланди. Яъни Ўзбекистонда инсон ва бизнеснинг ҳўмоясини фақат қонун ва суд бўлади. Янгиланган Конституцияда инсон ва тадбиркорлар ҳуқуқларини чеклашга фақат ва фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши мустаҳкамланди. Бу, албатта, мамлакатимизнинг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси 45-мақсадида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз ҳар бир чиқишида янги Ўзбекистонни барпо этишда икки та мустаҳкам устунга таянишимизни таъкидлайди. Биринчиси — бозор тамойиллари асосланган кучли иқтисодиёт бўлса, иккинчиси — ажждоқларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият. Тан олиш керак, глобаллашув шароитида миллий ўзгичлигимиз ва маънавий кадриятларимизга қарши таҳдид ҳамда хатарлар тобора кучаймоқда. Шундай ўта таҳликали вазиятга бизни асрайдиган, янада кучли қиладиган қудратли омил бу — аввало, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасидаги тотувликдир. Ана шундай бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиқидек асраб, асл инсоний кадриятларимиз ўрнини бузғунчи радикал ғоялар эғаллаб олишига асло йўл қўймаймиз. Бу Ватан ва халқ тақдирини дахлдор бўлган ҳар қандай юрдошимизнинг виждон ишига айлиши керак.

Бугунги кунда, афсуски, халқимиз орасида билим ва маърифати, маданияти қолоқ, ўз устида ишламасдан, замондан орқада қолаётган инсонлар ҳам учраб турибди. Ва бу ҳолат, очик айтиш керак, тараққиётимиз йўлида катта тўсиққа айланмоқда. Жадид боболаримиз бундай иллатни «жаҳлат» деб атаган ва унга қарши маърифат билан, мардона курашган. Бу йўлда илм-фан, таълим ва тарбияни ўз фаолиятлари учун асосий мезон қилиб олган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган амалий ишлар жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадлари билан уйғун ҳамда ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин. Шу сабабли биз тарихимизни, хусусан, маърифатпарвар ажждоқларимиз меросини чукор ўрганиб, улардан бугунги шиддатли замон учун ибратли хулосалар чиқариб яшашимиз зарур. Ана шундай билим ва маърифат асосида болаларимизни, фарзандларимизни, барча ёшларни тарбиялашимиз керак. Мана шу икки таянч устунни орқали мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишига ҳисса қўшишимиз мумкин.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Давлат бюджети:

ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Фикр

Бутун дунёда иқтисодий закирлар узилиб, сиёсий иқтисодий санкциябозликлар давом этаётган бир шароитда иқтисодий ёстириш қаратилган режалаштиришни ижобий баҳолаш керак бўлади.

ратилаётган маблағлар салмокчи ошганини кўришимиз мумкин. Биргина сув ҳўжалиги соҳаси ташкилотларини сақлаш ва дастурларини амалга ошириш учун жами 9,2 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши кўтилмоқда.

Таъкидлаш керак, Давлат бюджетининг келгуси йил учун ишлаб чиқилган лойиҳасида Президентимиз томонидан билдирилган ташаббуслар ва таклифлар, бугунги кунда аҳолини қўйиб турган биринчи навбатдаги масалалар қамраб олинган.

Шунингдек, бюджетда соғлиқни сақлаш, таълим, инсон капитални ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, атроф-муҳитни яхшилаш учун ажратилган давлат харажатлари микдори ўтган йилги бюджет билан таққослаганда сезиларли даражада ошган.

Жумладан, бугунги глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ экологик муаммолар авж олаётган бир даврда иқлим ўзгаришлари мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам салбий таъсир кўрсатаётган бир даврда Давлат бюджет лойиҳасида экология йўналишига ажратилган харажатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, мазкур молиявий ҳужжатда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашишда муҳим инструмент ҳисобланган "яшил" иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар доирасида бир қатор лойиҳаларнинг жорий этилиши янги ёндашувлардан далolat беради.

Бош молиявий ҳужжатда аввалги йиллардагига нисбатан соҳага бюджетдан аж-

ратилаётган маблағлар салмокчи ошганини кўришимиз мумкин. Биргина сув ҳўжалиги соҳаси ташкилотларини сақлаш ва дастурларини амалга ошириш учун жами 9,2 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши кўтилмоқда.

Фракцияимиз аъзолари томонидан бюджетнинг нафақат харажат, балки даромадлар қисми ҳам чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, юк кўтариш қуввати 10 тоннадан оғир юк машиналарининг барчаси учун бир хил, яъни йиллик базавий ҳисоблаш микдорининг 5 баравари даражасида йўл йиғимини ундириш юзасидан лойиҳада берилган таклиф бўйича ушбу йиғимни юк автотранспортларининг юк кўтариш ҳажмига қараб табақалаштирилган ставкаларни жорий этиш борасидаги фракция таклифи қабул қилинди.

Қисқача айтганда, бюджет тўғрисидаги қонун аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Мухторжон ҲОЖИМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИ

ногиронлиги бўлган шахсларни спорт билан шуғулланишга рағбатлантиради

Кейинги йилларда жамиятимизнинг ажралмас қисми бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол жалб этиш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунлар, Президентимизнинг қўлаб Фармон ва қарорлари юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларга тенг шароитлар яратишда мустақкам асос бўлмоқда.

Хусусан, 2021 йил 18 майдаги "Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қароридан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 ноябрдаги "Спорт таълими тизimini тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт соҳасида таълим олишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқармоқда.



ҳоратига эришишни таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизим жорий қилинди. Шу билан бирга, паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini яратилиб, бу борада илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси ҳузурда Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу институтда паралимпия спорт турлари бўйича раҳбар кадрлар, олий спорт билим олиши, меҳнат қилиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, мухтасар айтганда, ўзларини жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишига имкон яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 ноябрдаги "Спорт таълими тизimini тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт соҳасида таълим олишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқармоқда.

лежлари негизда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 5-даражасига мос таълим муассасаси шаклидаги олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Мазкур коллежлар контингенти фақат олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича шаклланти-

рилиши, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси тавсиясига асосан ушбу таълим масканларига тегишли паралимпия спорт турлари бўлимига юборилган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 10 фойзгача қўшимча квоталар ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида 2022 йил 6 июнда Президентимиз томонидан "Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Ҳужжатга асосан, Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ташкил қилинди.

2023/2024 ўқув йилида Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларига тасдиқланган режа (квота)га мувофиқ, 11 та паралимпия спорт тури бўйича жами 206 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинди. Бугунги кунда республикамизнинг барча турдаги спорт мактабларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 3 минг 468 нафар шахс паралимпия спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари рўйхатида ҳозирги кунда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 758 минг 253 нафар шахс рўйхатга олинган бўлиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига кўра, маҳаллалардаги 10 — 35 ёшли ногиронлиги бўлган шахслар сони 220 минг 298 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг 37 минг 373 нафари спорт билан шуғулланиш истагини билдирган.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ навқирон авлод билан ишлашнинг янгича бошқарув механизми жорий этилди. Ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал қилиш чоралари кўрилиб, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлиги янада оширилди. Жумладан, "Беш ташаббус олимпиадаси" спорт мусобақалари ўтказилиши йўлга қўйилиб, унинг доирасида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган



ёшлар ўртасида "Беш ташаббус паралимпиадаси" спорт мусобақалари ҳам ташкил этилмоқда.

Паралимпия спорт турларини янада оммалаштириш, параспорт билан шуғулланувчилар қамровини ошириш мақсадида уюштирилган мусобақаларнинг туман ва шаҳарларда ўтказилган биринчи босқичида 14 минг 232 нафар жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган йигит-қиз қатнашди. "Беш ташаббус паралимпиадаси" спорт мусобақаларининг республика финал босқичида умумжамоа ҳисобида 1-уринни Самарқанд, 2-уринни Наманган ва 3-уринни Фарғона вилоятлари жамоалари эгаллади.

Умуман, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жорий этилаётган янги тизим ва механизмлар орқали паралимпия ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши юксак самаралар бера бошлади, десак, муболаға эмас. Хусусан, 2021 йил 2 — 6 декабрь кунлари Манама шаҳрида (Баҳрайн) ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Парасиё йилларида Ўзбекистон делегацияси 17 нафар ёш спортчи билан иштирок этиб, 18 медални қўлга киритди ва 45 давлат орасида умумжамоа ҳисобида 6-уринни эгаллади. Ушбу нуфузли мусобақанинг ёпилиши маросимида Ўзбекистон делегацияси 2025 йил Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида ўткази-

ладиган Парасиё йиллари байрогини қабул қилиб олди. Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур кенг қўламли тадбирни юксак даражада ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Бизга фахр бахш этгани, шу йил 16 — 29 октябрь кунлари Ханжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтган IV Парасиё йилларида 11 та паралимпия спорт турида иштирок этган Ўзбекистоннинг 103 нафар паралимпиячиси 25 та олтин, 24 та кумуш ва 30 та бронза, жами 79 та медални қўлга киритди. Эътиборлиси, бу Ўзбекистон делегациясининг Парасиё йиллари тарихида медаллар сони бўйича энг яхши натижаси бўлди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудида қўлаб мусобақалар ўтказилиши орқали иқтидорли паралимпиячилар сараланиб, давлатимиз кўмагида турли нуфузли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётгани ва юксак натижаларни қўлга киритаётгани ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган ҳечқис гамҳўрлик ва эътибор мевасидир.

Олимпон ШОДИЕВ, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси ҳузурдаги Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти директорининг ўринбосари.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Президентимиз томонидан юртимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳўжасини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фамҳўрлик

Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Камирбек Икромов ҳамда Мадинабону Убайдуллаева ҳам ота-оналарининг вафотидан сўнг бувиларининг васийлигига олинган эди. Шу кунларда бу икки ёшга Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан барча замонавий қулай-

ликка эга хонадонлар қалитлари тантанали равишда топширилди. Янги хонадонлар эгаларини қўллаш тадбирида Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси масъуллари, Марғилон шаҳар сектор раҳбарлари ҳамда маҳалла фаоллари, нурунийлар иштирок этди. — Айни пайтда Фарғона давлат универси-

тетиде давлат гранти асосида иккинчи босқичда таълим олялман, — дейди Мадинабону Убайдуллаева. — Ўн саккиз ёшимга қадар бувиимнинг қарамоғида яшадим. Бундан буён ўз уйим борлигидан беҳад мамнунман.

Камирбек Икромов эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида. Эътибор ва рағбатдан хурсанд бўлган ушбу ёшлар жамиятимиз равақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга тайёр эканлигини баҳорлади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Ижтимоий ҳўжоя

Кексаларни қадрланган юрт

Мамлакатимизда нуруний отахон мўътабар онахонларимизни қадрлаш, уларнинг ҳаёт завқини тугал ҳис этилиши учун тегишли вазирлик ҳамда идоралар ташаббуси билан салмокчи ишлар амалга оширилаётди.

Айни кунларда давом этаётган "Кексалар туризм ойлари" доирасидаги тадбирлар ҳам ана шулар жумласидан, десак, муболаға эмас. Кексаларни қадрлаш "Нуруний" жамғармаси Навоий вилояти бўлими томонидан юртимизнинг дилбар гўшаларига саёҳатлари уюштирилди.

— Ушбу ойлук доирасида 26 минг нафар нурунийнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатини ташкил қилдик, — дейди "Нуруний" жамғармаси Навоий вилояти бўлими мутахассиси Саъдулла Истамов. — Шу мақсадда вилоятнинг туман ва шаҳарларига жами 33 та автобус ажратилиб, ҳозирги кунга қадр 43 минг 550 нафар нурунийнинг таассуротларга бой саёҳати боис, дуосини олишга эришдик.

Тадбир доирасида нуруналик нурунийлардан бир гуруҳи яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб, муқаддас қадимларни зиёрат қилиш билан бирга, шаҳардаги бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. — Бухорога сўнгги марта 2015 йилда борган эдим, — дейди кекса журналист Абдумуҳаммад Норбоев. — Бу сафарги келишимда, очиги, узгаришларни кўриб, танимай қолдим. Албатта, бу янгилашлар юртимиздаги тинчлик ҳамда осойишталикнинг амалий ифодасидир.

Ойлик мундарижаси фақат саёҳатлардангина иборат эмас. Унинг доирасида ногиронлиги бўлган, шифохонада даволанаётган ва якка-ёғлиқ кексаларнинг ҳолидан ҳам хабар олиниб, хонадонларида ҳашар ўтказилди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Энергетика



Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 2 февраль кунини Андижон вилоятига ташрифи доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларини оммалаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берган эди. Ҳўш, ортда қолган давр мобайнида ҳудудда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Айтиш жоизки, вилоятда жорий йилда электр энергиясига бўлган эҳтиёж 6 млрд. кВт-соатни ташкил этади. Шундан марказлашган ҳолда етказиб бериш режаси 5 млрд. 845 млн. кВт-соатдан иборат. Демак, 405 кВт-соат электр энергияси етишмовчилиги кўтилмоқда. Бу эса ҳудудда электр таъминотида муаммолар мавжудлигини билдиради. Бунинг учун таъминотнинг

муқобил туридан фойдаланиш орқали муаммага ечим изланмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида 79,3 мВт қувватга эга бўлган қуёш панелларини ўрнатиш кўзда тутилган. Натижада 5 907 та объектда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мумкин. — 75 ёшга кириб шу пайтгача ҳали бирор марта чирок ўчмаган йилни эслолмайман, — дейди Қўрғонтепа туманида истиқомат қилувчи Абдурахим Ҳўжамназаров. — Хонадонимизга қуёш панеллари ўрнатишга, неча йиллик орзуларимиз амалга ошди. Энди об-ҳавонимизда электр энергияси таъминоти мавжуд. Бу турмуш шароитимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Негаки, эндиликда уйимизда ҳаммаша иссиқ сув бор. Бу билан ошхонадан бери келмайдиган

ТАЪМИНОТНИНГ МУҚОБИЛИ — ЭНГ ЯХШИ ТАНЛОВДИР

аёлларимизнинг жонига оро кирди. Энг муҳими, маблағимиз 20 фойзга иқтисод қилиниб, ўзимиздан ортан электр энергиясини сотишимиз мумкин экан. Электр энергияси учун ҳамма пул сарфлаётган бир пайтда биз унинг ортидан пул ишлашни бошладик.

Вилоятда гидроэлектростанцияларни ишга тушириш учун ҳам яхшигина имконият мавжуд. Мутахассисларнинг маълум қилишларича, ҳудудда 40 дан ортик ана шундай ГЭСлар фаолиятини тиклаш мумкин. Улар фойдаланишга топширилгач, қўшимча 30 мВт қувватга тенг электр энергия ишлаб чиқарилади. Натижада 50 мингдан ортик хонадонларни узлуксиз электр билан таъминлаш имкони яратилади. Бу борадаги саёҳаракатлар ҳозирда авж паллада. Зеро, жорий йилнинг ўзида 49,78 мВт қувватга эга бўлган 17 та кичик ГЭС-ни ишга тушириш кўзда тутилган.

Бунинг учун Хитойнинг "Zhejiang Jinlun Electromechanic" LTD компанияси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Айнан ушбу компания билан қўшма лойиҳа қўл урилишининг сабаби бор. Негаки, компания мамлакатимиз ҳудудида 700 та ГЭС лойиҳаларини амалга оширган. Айни пайтда у Андижон вилоятида ҳам тўққизта ГЭС қурилишида иштирок этапти. Улар келгуси йилдан

фойдаланишга топширилгач, 50 мингдан ортик хонадонларнинг электр энергия билан боғлиқ муаммолари ижобий ечим топади.

— Хонобод шахрининг "Хидирша" МФИДа хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда кичик ГЭС барпо этмоқдамиз, — дейди "Хонобод ГЭС" МЧЖ раҳбари Абдуллоҳ Мадаминов. — 1,8 мВт қувватга эга ушбу лойиҳа келгуси йилнинг май ойида ишга туширилади. Натижада 3 150 та хонадон электр энергияси билан узлуксиз таъминланади.

Вилоятда барпо этилаётган ГЭСлар ишга туширилишининг афзаллик жиҳатлари шундаки, энг аввало, бир йилда қўшимча 120 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Натижада 50 мингта хонадоннинг электр энергия билан боғлиқ муаммолари ижобий ечим топади. Қолаверса, 42 млн. куб метр газни иқтисод қилиш мумкин бўлади.

Асосийси, ГЭСлар ишлаб чиқарадиган электрнинг таннархи бошқа манбаларга нисбатан анча арзон бўлиб, улар энергетикада кунлик энергияни барқарор таъминлашда энг самарали восита ҳисобланади. Шу боис таъминотнинг муқобили бугунги куннинг энг муҳим танловидир.



Азим Сирдарёнинг Тўрақўрган туманидан оқиб ўтган қисми ўнг соҳилида ястаниб ётган каттагина тепалик бор. Бир қарашда оддийгина дўнглик мисол кўзга ташланадиган бу жойдан қадимий Ахсикент харобалари ўрин олган. Охириги ўн йилликларда тадқиқот ишлари бирмунча сусайган ёдгорликдан кейинги пайтларда археологларнинг қадами узилмай қолди.

Махсус экспедиция томонидан қайта йўлга қўйилган қазилмалар натижасида янгидан-яңги топилмалар аниқланяпти. Давлатимиз раҳбарининг топшириги билан бир пайтнинг ўзидеда бу ерда очик осмон остидаги музей барпо этиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Маданий мерос

АСРЛАР ҚАЪРИГА ЯШИРИНГАН ХАЗИНА

Сиру синоатга тўла шаҳристон

Ахсикент. Уч минг йиллик тарихга эга бу кўҳна шаҳар дунё илм-фани тараққиётига муносиб улуш қўшган алломалар, хусусан, темирлар сулоласининг забардаст вакили — ўн икки ёшида тахтага ўтирган шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тарбиялаб ўстирган кент сифатида маълуми машҳур. Гарчи, 1620 йилдаги кучли ер силкиниши гуллаб-яшнаган Ахси қўрғонини тамоман вайронага айлантирган бўлса-да, унинг номи, аждодлардан қолган осориюқлар вақт қаърига сингиб кетмади.

Ўз пайтида "Фарғона шаҳарларининг онаси", деб улуғланган шаҳристон харобалари барча даврда илмий жамоатчиликни қизиқтириб келган. Масалан, ўзбек ва хоржий давлатлар тарихчи олимлари — В. Бартольд, Ю. Зарднпрский, И. Аҳоров, А. Анорбоев ва бошқа таникли мутахассисларнинг тадқиқотлари натижасида кўҳна шаҳар ҳақида қатор илмий ҳулосалар яратилди.

Бундан тўрт йил муқаддам Президентимизнинг алоҳида эътибори билан ушбу тарихий меросни асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш ишлари янги босқичга кўтарилганини кўпчилик яхши билади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилоятининг Тўрақўрган туманидан "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида фаолият бошлаган давлат унитар корхонаси томонидан ёдгорликни вилоятнинг муҳим сайёҳлик марказига айлантириш ишлари кенг йўлга қўйилди.

— Қадим шаҳар харобалари остида катта маънавий хазина ётибди, — дейди "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси раҳбари Анвар Иқром. — Хар бир янги топилма, тикланаётган мерос шарофати билан тарихий ёдгорликнинг жозибadorлиги ортади. Бу нафақат ўзимизнинг юртдошларимиз, балки хоржий сайёҳлар оқимини ҳам янада кўпайтиради, дегани. Шу мақсадда ишлаб чиқилган махсус концепция изчил амалга оширилмоқда.

Ноёб муҳандислик иншоотлари

Мутахассисларнинг фикри ва ҳозиргача аниқланган маълумотларга қараганда, Ахсикент харобалари остида бундан уч минг йил илгари яшаган авлодларимиз турмуш тарзи, уларнинг эволюцияси ва асосий машғулотларидан ҳикоя қилувчи осориюқлар етарли. Масалан, бундан 23 аср муқаддам асос солинган шаҳарнинг узоқ йиллик

тарихи кўпга бадиий ва илмий асарларда ифода топган. Бу ерда яратилган муҳандислик иншоотлари, айниқса, пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади.

Хусусан, археологик қазилмалар чоғида чиққан ер ости туннели ичимлик суви таъминоти кафолатли йўлга қўйилганидан дарак беради. Уша пайтдаёқ ҳозирги водопроводга ўхшаш тизим барпо этилиб, туннель ичидан тортилган сопол қувурлар орқали 15 километр узоқликдаги Косонсойдан обиҳаёт олиб келинган. Тизимнинг ишлаш механизми ҳам оддийликдан мураккабликка тарзида йўлга қўйилган, яъни сувни бутун шаҳарга бирдай еткази-

ашёларнинг кўпчилиги кент ахлининг оддийгина кулчилик буюмларини тайёрлашга ҳам маҳорат ва истеъдод билан ёндашганидан дарак беради, — дейди Наманган давлат университети Археология кафедрасининг катта ўқитувчиси Шукрулло Насриддинов. — Бу улар томонидан ясалган ва бўёғи хали-ҳамон хира тортмаган сопол идишларга ўзига хос дизайн берилганлигида кўринади. Мисол учун сирланган лаганларнинг бирига арабча ёзувда "Фирқ айтишга шошилма", деган ҳикматнинг туширилганлиги хунарманд юқори даражада фалсафий фикрлаш қобилиятига ҳам эга бўлганлигидан нишона. Ёки Махсус дастага бирлашти-

вақтда улар археологик объектда куриб битказиладиган музей залларини тўлдирди.

Тарихий обида тадқиқотига бағишланган қирқ беш йил

Юқорида таъкидлаганимиздек, кўҳна шаҳардан қолган мерос — тупроқтепа-ни илмий ва археологик жиҳатдан ўрғанишга турли даврларда кўплаб тарихчи олимлар қўл урган. Улар орасида айни пайтда Миллий археология марказининг Ипак йўли бўлимини бошқараётган профессор Абдулҳамид Анорбоевнинг хизматлари алоҳида ўрин тутди. Асли Қирғиз Республикасининг Аравон туманидан бўлган бу инсон 1979 йилдан буён Ахсикент мавзуиси билан машғул.

Орада ўтган қарийб қирқ беш йиллик илмий ўрганишлар натижасида домла мавзуга оид юздан ортик маколалар ва қатор китоблар ёзди. Хусусан, унинг муштақлиқ илларида яратган "Ахсикент — қадимги Фарғона пойтахти", "Фарғонанинг қадимги шаҳарлари ва уларнинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрни" ҳамда "Ахсикент археология парк" китоблари соҳа мутахассислари ва кўп сонли тарихий асарлар ихлосмандларининг кутубхоналаридан ўрин олган.

Профессор А. Анорбоев Ахсикентда олиб борган илмий-амалий фаолияти давомида ўзига хос археология мактабини яратди. Домладан сабоқ олган ўндан зиёд шоғирдлар ўз камолида устознинг меҳнатлари катта бўлганини фخر билан тилга олади. Уларнинг бир қисми ҳозирги кунда Ахсикент ва Фарғона водийсининг бошқа объектларида илмий изланишлар олиб борапти. Устознинг ўзи айни пайтда янги йўналиш — Археосейсмология, яъни тарихда бўлган zilzila ва ер тебранишларининг қадимги шаҳарларга таъсири ҳамда қолдирган излари мавзуда хоржий олимлар билан бирга тадқиқот олиб бормоқда.

— Кейинги асарим — "Ахсикент археология парк" китобига давлатимиз раҳбарининг тақлифларидан келиб чиқиб ном берганман, — дейди Абдулҳамид Анорбоев. — Унда қадим шаҳар ўтмишини замондошларим кўз ўнгидеда бор бўйи билан гавдалантиришга ҳаракат қилдим.

Дарҳақиқат, бирийўла ўзбек, рус ва



инглиз тилларида чоп этилган янги китоб-альбомни олимнинг тарихий объект бўйича узоқ йиллик машаққатли меҳнати ҳисоботи дейиш мумкин. Нашрга жойлаштирилган илмий мақолалар, мавзуга доир исбот ва далил ҳамда ранг-баранг суратлар ўқувчига зарур бўлган батафсил маънони бера олиши билан алоҳида қимматга эга.

Буни, жумладан, асар тақдимоти бўйича жойларда ўтказилган тадбирлар пайтида билдирилган ҳаққоний фикрлар ҳам яққол тасдиқлайди. Шундай тақдимотлардан бири Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳрида ҳам ташкил этилди. Дўст мамлакатда Наманган вилояти делегацияси билан учрашувда китобни қабул қилиб олган таникли сиёсатчи Сканд Таял дил сўзларини шундай изҳор қилди:

— Бобурийларнинг Ҳиндистон тарихидаги ўрни беқиёс. Шу маънода, уларнинг ота юрти — Ахсикент ҳақидаги китоб-альбом ҳар икки эл тараққиётига муносиб ҳисса қўшган инсонни тарбиялаб ўстирган замин ҳақида билганларимизни аниқ далил ва маълумотлар орқали тўлдиршига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Замонавий археология парк

Шаҳристон ўрнида барпо этилган киришилган яхлит археология мажмуаси бу жойни нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсининг жозибador сайёҳлик масканига айлантиради.

Тасаввур қилинг, ҳудудга қираверишда қуриладиган рамзий дарвоза, Бобур Мирзо ва Умаршайх Мирзонинг Камолидин Беход томонидан ишланган асл сураати нусхалари асосида отаболанинг ҳайкалларида иборат композиция, Умаршайх Мирзо севган каптархона ёдгорлиги, катта ҳажмдаги экспонатларни жойлаштири оладиган иншоот, очик осмон остидаги бешта музей. Уларни томоша қилган қай бир сайёҳнинг кўнгли тўлмайди дейсиз. Бунга қўшимча равишда Сирдарё

бўйлаб йўлга қўйиладиган кема саёҳати, замонавий меҳмонхона ва амфитеатр, туялар сайри мажмуада ҳаммага маъқул тушадиган туризм инфратузилмасини вуқудга келтиради. Хоржий меҳмонларга чет тилини мукамал биладиган гидлар хизмат кўрсатишади. Лойиҳанинг дастлабки босқичида шаҳристоннинг мудофаа девори, хунармандчилик устанонаси, бадавлат инсон хонадони, масжиднинг бир қисми ва ер ости сув йўлидан иборат очик музейларни барпо этиш жадал суръатда олиб борилаётир. Объектларнинг бири битказилганига анча бўлди. Мудофаа девори қисмидаги ишлар охирига етказилмоқда. Музейларнинг барчаси келгуси йил охиригача сайёҳларни қабул қила бошлайди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида Ахсикентга йигирма мингдан ортик сайёҳлар келди. Уларнинг минг нафардан кўпроғи қўшни республикалар, шунингдек, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Покистон давлатларидан ташриф буорган. Бу олдинги йиллардагидан анча кўп.

Хўш, Ахсикент қачон биз кўзда тутган ҳақиқий сайёҳлик манзилига айланади?

— Бу соволингизга жаҳон тажрибасидан мисол келтириб жавоб қайтараман, — дейди Анвар Иқром. — Бир муддат аввал халқро анжуманда Жанубий Кореялик туризм мутахассиси Чэон Жин Ёнг билан суҳбатлашиб қолдим. Айтишига қараганда, Корейдаги қадимий шаҳар Гванжу 20 йил мобайнида халқро сайёҳлик майдонига айлантирилган экан. Биздаги ҳаракатлар анча жадал. Бироқ вазифаларимиз ҳам етарли. Энг муҳими, давлатимизнинг доимий эътибори ва моддий кўмагидан хурсандимиз. Бинобарин, лойиҳа тўла рўёбини топадиган кунлар узоққа чўзилмайди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).



Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Риштон — Япония маданий-иқтисодий алоқалар маркази қошида фаолият кўрсатаётган «Noriko-Gakkyu» япон тилини ўқитиш мактаби ташкил этилганига 22 йил бўлди. Мактабда вилоятнинг Қўқон ва Фарғона шаҳарлари, Олтиарик, Фурқат, Бағдод, Кува, Тошлоқ ва Риштон туманлари, қўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан келиб ўқиган 300 нафарга яқин йигит-қизлар айни пайтда Япониядаги турли олийгоҳларда таълим олиб, мутахассис сифатида Кунчикар юрдаги нуфузли компанияларда фаолият кўрсатмоқда.

Таълим ва тараққиёт

Яна юзлаб баркамол авлод вакиллари Японияда билим ва малакасини ошириб, Ўзбекистонга қайтишган ва улар бугунги кунда турли соҳаларда ишлаб келаётир.

Айни кунларда мактабда қарийб 150 нафар ўқувчи япон тилини ўрганипти. Мактабнинг яна бир эътиборли томони шундаки, бу ерда ёшларга нафақат япон тили, балки маданияти, тарихи ҳам ўргатилади. Шу маънода, икки халқнинг миллий қад-

рият ва анъаналари ўзаро ўхшаш эканини таъкидлаб ўтиш ўринли. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, оиладаги саранжом-сарихалик, ота-онани ҳурмат қилиш, ўзаро муомала маданияти японларникига жуда ҳам ўхшайди. Мактабда фаолият олиб бориш давомида шу нарсага амин бўлдимки, ўзбек ёшларида япон тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ва иштиёқ жуда кучли. Шу боис дарслар, амалий машғулотлар жараёнида улар ўқитувчиларни саволларга кўмиб ташлашади. Самимий мулоқотлар, қизиқарли савол-жавоблар билан вақт қандай ўтганини билмай ҳам қоламиз. Мен келажакда Японияда ўқишни давом эттирадиган ўқувчилар сафи янада кенгайишига ва рақобатбардosh мутахассис сифатида хар қандай соҳада ўз ўрнини топишига чин дилдан ишонаман.

Айтиш жоиз, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги

дўстлик ҳамда маданий алоқалар тобора ривожланиб борапти. Натижада ўтган йилларда Кунчикар юртнинг минг нафардан зиёд фуқаролари ушбу марказ ҳамда япон тилини ўқитиш мактаби билан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буорди. Шу билан бирга, сайёҳлар риштонлик уста кулollar томонидан яратилаётган, санъат даражасидаги маҳсулотларнинг қандай тайёрланишини бевосита кузатиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бу икки томонлама манфаатли туризм салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Мактабда бир гуруҳ япониялик ўқитувчилар ёшларга япон тилини беразас ўргатади. Иқтидорли ва билимли ёшлар бу имкониятлардан умумли фойдаланиб, қатор ютуқларни қўлга киритиш орқали Ўзбекистон доврўғини дунёга ёймоқда. Марказ раҳбари Фанишер Назировнинг меҳнати юксак қадрланиб, Президент Фармонига кўра "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани бежиз эмас.

Ўтган йили Фанишер Назиров Японияда ўтказилган икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва маданий-марифий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган халқро форумда қатнашиб келди. Икки давлат расмийлари билан ўтказилган мулоқотлар давомида Япониядаги тинчлик ва соғлиқни тарғиб қилувчи РНД халқро ташкилот раҳбарлари би-

лан ҳам келишувларга эришилди.

Шу тариқа ушбу нуфузли халқро ташкилотнинг тажрибали шифокори Акио Китано бошчилигидаги мутахассислар Риштонга келиб, бир ҳафта давомида бепул тиббий кўриklar ўтказишди. Баъзи беморларда даволаш амалиётларини амалга ошириб, дори-дармонлар билан таъминлади. Шунингдек, Риштон тумани ва Япониянинг Майдзуру шаҳри ўртасида имзоланган меморандумга кўра, риштонлик 5 нафар қиз ҳамда 3 нафар ўғил Майдзуру шаҳрида жойлашган нуфузли билим даргоҳларида имтиёзли тарзда ўқишни давом эттирмоқда.

Ўқинда Япония нашрларида Майдзуру шаҳрида тахсил олаётган риштонлик ёшлар ҳақида мақолалар чоп этилди. Уларда ушбу ўғил-қизларнинг шу даражага етишида япон мактабининг ўрни беқиёс бўлгани ҳақида айтиб ўтилган.

Шу билан бирга, жорий йилда Фарғонага келган Япониянинг Ўзбекистондаги Факулoдда ва мухтор элчиси Ёшинори Фуджияму ташриф дастури доирасида вилоят ҳокими

Мухтасар айтиганде, икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар негизида янги айтиқболда япон тили мактаби фаолиятининг янада равнақ топиши учун барча имконият мавжуд. Демак, муштарак мақсадлар йўлида изчил сайёҳаракатлар аниқ режа ҳамда дастурлар доирасида муваффақиятли давом этишига ишонамиз.

Такатоши МИЙАУЧИ, Риштон туманидаги «Noriko-Gakkyu» япон тилини ўқитиш мактаби ўқитувчиси.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Бунёдкорлик

Жажжи болажонлар қувончи

Самарқанд вилоятининг Пайриқанд туманидаги Янгиобод маҳалласида 12-мактабгача таълим ташкилотининг 200 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.



Мазкур бинода барча зарур хоналар замона талаблари мос тарзда жиҳозланган. Бундан ташқари, ташкилот ҳовлисида болалар ўйин майдончалари ҳам ташкил этилган.

Муассасанинг очилиш маросимида сўз олган мугасаддилар болаларнинг мактабга таълим қаровини ошириш, ушбу соҳа хизматларидан фойдаланишни янада яхшилаш, уларнинг тўлақонли ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш энг долзарб вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, "Ташаббусли бюджет"нинг шу йил 1-мавсум дастури доирасида вилоятда 273,5 млрд. сўм маблағ эвазига 290 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 241,7 млрд. сўм молиялаштирилди ҳамда 229,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислom Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов, Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.00 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6